

## ЁДДА ТУТИНГ! ЭСЛАТМА!!!

Табиий газдан фойдаланишда қондаларга риоя этмаслик авария ва бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлади.

### ҚАТЪИЙЯН ТАҚИҚЛАНАДИ!!!

- Қорхонада газдан хавфсиз фойдаланиш бўйича буйруқ билан бириктирилган жавобгар шахслардан бошқа ишчи ходимларнинг газ ускуналарини бошқариши, фойдаланиши;
- Қозонхона ва газ ускуналари ўрнатилган хоналардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, дам олиш ва ухлаш мақсадларида фойдаланиш;
- Газда ишлайдиган қурилмаларни ўзбошимчалик билан газ тармоқларига улаш, жойини ўзгартириш, алмаштириш ва таъмирлаш;
- Газда ишлайдиган қурилмалар ўрнатилган биноларни мезъёрий шартларга тўғри келмаган ҳолда қайта режалаштириш;
- Газда ишлайдиган қурилма, тутун ва вентиляция (шамоллатиш) тизимлар конструкциясига ўзбошимчалик билан ўзгартириш киритиш, вентиляция (шамоллатиш) каналларини тўсиб қўйиш, мўриларни тозалаш учун мўлжалланган "қарман" ва локларни беркитиб ташлаш;
- Ёпиқ ойналар (форточка), жалвозали панжаралар, вентиляция (шамоллатиш) каналлари панжаралари ёпиқ бўлганда, ванна ва ошхона эшиклари остида тешиклар ҳамда мўри ва вентиляция (шамоллатиш) каналларида тортиш кучи(тяга) йўқлигида газ қурилмаларидан фойдаланиш;
- Мўри ва вентиляция каналларини текширилганлиги ҳамда созлиги тўғрисидаги далолатномалар мавжуд бўлмаганда газдан фойдаланиш;
- Хавфсизлик ва бошқариш автоматикасини ўзбошимчалик билан ўчириш, газ жиҳозлари, автоматика ва қурилма носоз бўлганда улардан фойдаланиш;
- Ишлаб турган газ қурилмаларини қаровсиз қолдириш, назоратсиз қолдириш;
- Носоз газ ускуна ва жиҳозларини ўзбошимчалик билан таъмирлаш;
- Табиий газ бор ёки йўқлигини билиш учун олов ёқиб текшириш (одамда бу мақсадларда совушли эмۇльсия ёки махсус қурилмалардан фойдаланиш лозим);

### ДИҚҚАТ!

Бинода (хонада) газ хиди пайдо бўлганда, дарҳол газ қурилмаларининг жўмрақларини беркитиб, дераза ва эшикларни очиб, елвизак (шамоллатиш) хосил қилиш ва телефон орқали 104 авария хизматини чақириш зарур. Олов ёқмаслик, чекмаслик, электр ёритиш асбоблари ва электр қурилмаларини ёқмаслик, электр қўнғироқлардан фойдаланмаслик, газланган ҳудуддан одамларни ташқарига чиқариш керак.

Газдан фойдаланиш қондаларига риоя қилмаслик инсон ҳаёти учун ХАВФЛИ бўлиши мумкин!

Нафақат яқинларингиз ҳаёти ва мулки олдига, балки бошқа фуқаролар олдигаги ўз шахсий жавобгарлигингизни УНУТМАНГ!!

**ХАВФСИЗЛИГИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА!**

Бир нусхасини олдим.

ИМЗО \_\_\_\_\_

2022 йил " \_\_\_\_ " \_\_\_\_\_

**HUDUDGAZTA'MINOT**

AKSIYADORLIK JAMIYATI

213 051 314

## ТАБИИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

№ 5-21/834

Навоий 2022 йил